51 (759)-coн — 23 — 585-модда

учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

585 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ—4848-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя килишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир кушимча чора-тадбирлар турисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ−4848-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Махкамаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш., 2016 йил 21 декабрь, 409-сон



585-модда — 24 — 51 (759)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 декабрдаги 409-сон қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) «7 иш куни» сўзлари «ўн беш иш куни» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тӱгрисида» 2001 йил 10 июндаги 294-сон карорига (Ӱзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда) 2-илованинг 45-банди биринчи хатбошидаги «7 иш куни» сӱзлари «ӱн беш иш куни» сӱзлари билан алмаштирилсин.



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.

